# ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тимофеева Ўзбекистон КП Марказий Комитетини, унинг пропаганда ва агитация, маданият ва фан, партия органлари бўлимлари министрликларнинг партия ташкилотларидан ажралиб қолганликлари учун танқид қилди. МК ходимлари ба'зан министрликка кириб қолсалар ҳам, одатда фақат бошқарма бошлиқлари блан суҳбат қиладилар, партия ташкилоти секретарини четлаб ўтадилар. Министрликнинг фаолиятига доир масалалар МК бюросида муҳокама қилинганда партия ташкилоти секретарини мажлисга чақирмайдилар.

Ўртоқ Тимофеева Ўзбекистон ССР Маданият министри ўртоқ Қўчқоровнинг нотўғри, бюрократик иш услубини кўрсатиб ўтди. У, ма'мурятчилик, қўполлик қилади, партия ташкилотига таяниб ишламайди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети буни билгани ҳолда, ўртоқ Қўчқоровни тартибга чақирмайди.

Кенгашда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалалари анча катта ўрин олди. Кейинги вақтда районларни, айниқса қолоқ районларни, шунингдек колхозларни, МТСларни мустаҳкамлаш соҳасида кўпгина ишлар қилинди. Лекин бу ишда жиддий хатолар ҳам бўлди. Ўртоқ Каймаков бир қанча мисолларни келтирдики, бу мисоллар областьнинг МТСларига раҳбар кадрларни юборишга жиддий қаралмаётганлигини кўрсатади. МТСларга ярамас ходимлар юборилган. МК ва унинг бўлимлари министрликларда ва идораларда кадрлар танлаш ишини етарли контроль қилиб турмайдилар.

Нотиқлар КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг Мурожаати муносабати блан қолоқ колхозларни тажрибали, ташкилотчи кадрлар блан мустаҳкамлаш вазифаларига катта э'тибор бердилар.

Партия ташкилотларининг партиясиз активлар блан ишлаш, партия сафини ўстириш масалаларига жиддий э'тибор берилди. Бу муҳим иш бирқанча ташкилотларда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Кўпгина партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари саноат, қишлоқ хўжалигидаги илғор кишиларни партияга қабул қилиш иши блан мунтазам шуғулланмайдилар. Бирқанча жойларда етарли синалмаган, коммунист деган юксак номга лойиқ бўлмаган кишилар партияга қабул қилинган. Мана бундай хатоларнинг такрорланишига асло йўл қўймаслик керак.

Самарқанд шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Алишев ўз нутқини коммунистларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш практикасига бағишлади. Бирқанча ҳолларда Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги партия комиссияси давлат олдида жиноят қилган кишиларни партия сафидан ўчириш масаласи ҳақида маҳаллий партия ташкилотларининг қарорларини бекор қилиш тўғрисида асоссиз таклифлар киритмоқда. Партия комиссияси область партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссияларига тегишли ёрдам бериб турмайди. Партия комиссиясининг вакиллари жойларда бўлган вақтда кўпинча ревизорлар сифатида ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси ўртоқ Жўраев ба'зи партия комитетлари коммунистларнинг шахсий ишларини кўрган вақтда бу ишга юзаки ёндаша ётганликлари тўғрисида гапирди. Улар арзимаган ҳаракатлар учун олий партия жазосини қўлланиб, КПСС сафидан ўчириб қўядилар. Андижон, Бухоро, Фарғона областьларида коммунистларнинг шахсий ишларини бошланғич партия ташкилотларида кўрмасдан, бевосита партия комитетларида кўришдан иборат нотўғри практика қўлланилмоқда.

Ўзбекистон ЛКСМ МК секретари ўртоқ Муртазоев комсомол ташкилотларининг фаолияти ҳақидаги ва уларга партия раҳбарлигини кучайтириш тўғрисидаги масалаларга тўхталди. Шаҳар ва қишлоқлардаги кўпгина комсомол ташкилотлари ёшлар ўртасида катта тарбиявий ишлар олиб бормоқдалар, лекин бирқанча жойларда, масалан, Наманган областида бу иш бўшаштириб юборилган. Буерда ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш иши айниқса қониқарсиз аҳволда, ба'зи ёшлар ўртасидаги ахлоқсизлик фактларига қарши қат'ий кураш олиб борилмаётир. Комсомол комитетларида ва бошланғич ташкилотларда ташкилий бўшанглик фактлари ҳам кўп учрайди. Мана бундай ҳолларнинг ҳаммаси учун Ўзбекистон ЛКСМ МК, область, район, шаҳар комсомол комитетлари жавобгардир. Кўпгина партия комитетлари жумладан Наманган область партия комитети, Самарқанд шаҳар партия комитети комсомол ташкилотларига қониқарсиз раҳбарлик қилмоқдалар.

Сурхондар'ё область партия комитетининг секретари ўртоқ Доленко комсомол ташкилотларига партия раҳбарлиги услубидаги асосий камчиликлардан бири комсомол кадрларига нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилганлиги эканлигини айтди. Область ва район партия комитетларининг комсомол ҳаёти масалалари юзасидан чиқарган кўп қарорлари ташкилотчилик ишлари блан мустаҳкамланмайди.

Ўртоқ Доленко Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг маҳаллий ташкилотларга раҳбарлик қилишда нотўғри методларни қўлланаётганлигини кўрсатди. Область комсомол комитетларининг секретарьлари ҳархил кенгаш ва мажлисларга чақирилаверади. 1954 йилда область комсомол комитетларининг ҳамма секретарьлари кўп вақтини Ўзбекистон ЛКСМ МК ва ВЛКСМ МК чақириғи блан ҳархил командировкаларда ўтказганлар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг аппарати кўп иш вақтини қарор проектлари тайёрлаш блан ўтказади.

Ўзбекистон КП МК хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ Муҳиддинова хотин-қизларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масалаларига тўхталди. У қайд қилиб ўтдики, партия ташкилотлари хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни бирмунча яхшиладилар. Лекин бу соҳадаги катта камчиликлар ҳали тугатилгани йўқ. Кўпгина партия ташкилотларида хотин-қиз кадрларни партия ва совет аппаратида, саноат, қишлоқ хўжалигида раҳбарлик ишларига кўтаришга етарли э'тибор берилмаётир. Хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни қунт блан уюштириш ўрнига ба'зи партия комитетлари, айниқса Бухоро, Самарқанд, Наманган область партия комитетлари бу масала юзасидан ҳархил қарорлар қабул қилиш блан чекланмоқдалар. Хотин-қизларга нисбатан феодал-бойларча муносабатда бўлиш, уларни камситиш фактлари ба'зан қат'ий зарбага учрамаётир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Секретари ўртоқ Илҳомова маҳаллий Советларнинг ташкилий-оммавий ишларидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. Бирқанча областьларда, масалан, Андижон, Наманган областьларида Советларнинг сессияларини чақириш ҳақида Конституцияда белгиланган муддатлар бузилмоқда. Кўпгина районларда доимий комиссиялар ишламаётир. Советларнинг сессияларида ижроия комитетларнинг ҳисоботлари кам муҳокама қилинади. Улардан кўплари ўз ишларида сайловчиларнинг наказларини асос қилиб олмаганлар. Маҳаллий партия органлари совет ишининг аҳволини етарли ўрганиб турмайдилар.

Бирқанча нутқларда «Правда Востока», ва «Қизил Ўзбекистон» газеталари партия ташкилотларининг иш тажрибасини, айниқса район партия комитетларининг МТС зоналаридаги инструкторлик группаларининг иш тажрибасини етарли ёритмаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Газеталарда партия ходимлари кам қатнашмоқдалар. Шунингдек «Ўзбекистон Коммунисти» журналининг партия иши практикаси ҳақидаги материалларни кам босаётганлиги кўрсатилди. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти партия қурилиши масалалари юзасидан брошюраларни кам босиб чиқармоқда.

Кенгашда КПСС МК партия органлари бўлими мудири ўртоқ Е. И. Громов нутқ сўзлади.

Ўртоқ Громов айтдики, саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг маданий-маиший аҳволини яхшилаш соҳасида партия томонидан совет халқи олдига қўйилган тарихий вазифаларни партиявий-ташкилий ишларни жиддий равишда яхшиламасдан туриб муваффақиятли бажариш мумкин эмас. Омма ўртасида ташкилий ва сиёсий ишларни кучайтирмасдан, олдимизда турган вазифаларни бажаришга оммани кенг ва усталик блан жалб қилмасдан туриб, жиддий ижобий натижаларга эришиш мумкин эмас. КПСС МК сентябрь Пленуми қарорлари асосида партия аппарати ишини қайта қуриш — қишлоқ район партия комитетларининг МТС зоналари бўйича инструкторлик группалари тузиш, раҳбарликдаги канцеляриячилик методларига қарши кураш ма'лум ижобий натижаларни берди. Партия комитетларининг иш услуби ўзгарди, партия ташкилотларида танқид ва ўз-ўзини танқид кескинроқ ривожланабошлади.

Броқ, кўпгина партия ташкилотларининг фаолиятида ҳали жиддий камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Эскича ишлаш одати ҳали ҳам давом этмоқда. Партия комитетларининг иш методларида расмиятчилик, канцеляриячилик кўп ўрин олиб келади. Асосий ва энг катта камчилик — кишилар блан жонли алоқа боғлаш, оператив, конкрет раҳбарлик қилиш стишмаётир. Кўпгина раҳбарлар ҳали ҳам қоғозбозликка интиладилар, директивалар орқали раҳбарлик қилишга интиладилар, ташкилий ишни жуда кўп резолюциялар блан, ҳархил справкалар, ма'лумотлар тўплаш блан алмаштириб қўядилар. Ўзбекистон КП МК аппаратидан бошлаб ҳамма партия комитетларининг ишида қоғозбозлик ҳали ҳам кўп.

Партия ходимларининг бир қисми жойларга борганларида, эски одатларига берилиб кетиб, ўз вазифаларини фақат камчиликларни аниқлашдан, мумкин қадар кўпроқ салбий фактларни тўплашдан ва сўнгра доклад хати ёзишдан иборат, деб биладилар. Бундай ходимларни партия ишининг мазмуни камдан-кам қизиқтиради. Улар коммунистлар блан, партия ташкилотларининг секретарьлари блан кам гаплашадилар. Партия аппаратида ишлабчиқариш масалаларини яхши билмайдиган ходимлар ҳам бор. Улар жойлардаги ҳаётни ва конкрет шароитни билмасдан, кабинетда ёки президиум столи ёнида ўтириб раҳбарлик қилишни афзал кўрадилар. Ҳозирги шароитда кадрларни ўзлари ишлаётган соҳадаги билимларни чуқур ўрганиб олишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Бизда кўпгина камчиликлар ходимлар ёмон бўлганлиги сабабли рўй бераётгани йўқ. Бу камчиликлар шунинг учун рўй бераётирки, партия комитетлари кадрларга инструктаж бермаётирлар, уларни ишни қандай қилиб тўғри уюштиришга ўргатмаётирлар, партия ташкилотларининг ишидаги янги, ижобий нарсалар яхши умумийлаштирилмаётир. Партия аппаратининг инструкторлик составига нотўғри муносабатда бўлиш ҳалигача давом этиб келмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитетида, область, шаҳар, район комитетларида инструкторлар блан тез-тез маслаҳатлашиб турмайдилар, уларга одатда фақат ижрочилар деб қарайдилар.

Бошланғич партия ташкилоти — партиянинг асосидир. Муваффақиятларимиз ана шу ерда вужудга келади. Ҳолбуки, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятида кўпгина жиддий камчиликлар бор. Уларнинг кўпи меҳнаткашлар ўртасида сиёсий ишни суст, аҳ'ён-аҳ'ёндагина олиб бормоқдалар. Ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг бир қисми партия та'сиридан четда қолиб келади. Партия ташкилотлари ўз меҳнати блан хўжалик соҳасида муваффақиятларни қўлга киритаётган кишилар блан етарли иш олиб бормайдилар.

Партия ташкилотлари партиясизлар блан алоқани кучайтириш ўрнига, ба'зан ўзларини улардан четлаб қўймоқдалар. Корхоналарда, колхозларда, МТС, совхозларда, муассасаларда ёпиқ партия йиғилишлари кўпроқ ўтказилади. Ҳолбуки, бизда очиқ йиғилишларда ҳал қилиш мумкин бўлган ва керак бўлган жуда кўп масалалар бор. Агар партия ташкилоти ўз йиғилишларига партиясизларни жалб қилса, у вақтда қарорларни тўғри ишлаб чиқишни, меҳнаткашларни ана шу қарорларни бажаришга сафарбар қилишни та'минлайди.

Ҳали ҳам партия йиғилишларида қабул қилинадиган резолюцияларни тузишда формализм элементлари сезилади. Одатда бу резолюциялар умумий руҳда ёзилади, уларда музокараларда баён қилинган фикрлар, коммунистларнинг таклифлари акс эттирилмайди. Қани, «мажбур қилинсин», «кучайтирилсин», «яхшилансин», «чора кўрилсин» деб ёзилган қарорларнинг бажарилишини текшириб, ижросини уюштириб кўрингчи.

Ўзбекистон партия ташкилотида партиясиз меҳнаткашлар блан, актив блан ишлашни уюштиришга юзаки қаралганлиги натижасида ишлабчиқаришдаги илғор кишиларни партия сафига қабул қилиш ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Партия ташкилотлари етакчи касблардаги илғор ишчилар, қишлоқ хўжалик илғорлари ҳисобига партияни ўстириш масалаларига э'тибор бермаётирлар.

Кадрлар блан ишлаш партия ишининг энг муҳим соҳаларидан биридир. Кейинги йил мобайнида Ўзбекистон партия ташкилоти партия ва хўжалик қурилишининг энг муҳим соҳаларини кадрлар блан мустаҳкамлаш соҳасида бирмунча иш қилган. Лекин шунга қарамай, республиканинг бирқанча партия ташкилотларида ходимларни танлашдаги партия принциплари бузилмоқда. Ишни барбод қилган ходим кўпинча бир ишдан иккинчи ишга кўчирилмоқда, шу блан партия манфаатларига путур етказилмоқда. Кадрларни танлашда партия принципларини унутаётган раҳбарларни дадиллик ва қат'ият блан танқид қилаётган, уларни тартибга чақираётган партия ташкилотлари жуда тўғри иш қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотлари олдида колхоз раислари вазифасига кандидатуралар танлаш соҳасида жуда мас'улиятли вазифа турипти. Бу ишга жуда жиддий қараш, колхозларга кадрлар юборган вақтда Ўзбекистонда илгари йўл қўйилган хатоларни назарга олиш керак.

Ўртоқ Громов халқ хўжалигининг турли тормоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида коммунистларни тўғри жойлаштириш масалаларига тўхталди. Маҳаллий партия органлари ва Ўзбекистон КП МК бу ишнинг аҳволини етарли анализ қилмаётирлар. Қишлоқлардаги коммунистларнинг кўп қисми бевосита далачиликда, чорвачиликда ишламасдан, идора аппаратида ишлаб келаётганлиги чидаб бўлмайдиган ҳолдир. Саноатда, транспортда ҳам аҳвол ана шундай. Партия ташкилотлари, даставвал, Ўзбекистон КП Марказий Комитети партия томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишда коммунистларнинг кучларидан қандай фойдаланилаётганлиги масаласи блан қизиқишлари керак.

Ўртоқ Громов ўз сўзининг охирида аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишларини тубдан яхшилаш, хотин-қизларга нисбатан феодал-бойларча муносабатда бўлиш каби хунук ҳодисаларга қарши кураш соҳасида партия ташкилотининг вазифаларини кўрсатиб ўтди. Хотин-қизлар ўртасида сиёсий ишларни олиб бориш ҳамиша партия ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим.

Кенгашда Ўзбекистон КП МК биринчи секретари ўртоқ А. Э. Ниёзов нутқ сўзлади. Уртоқ Ниёзов саноат ишлабчиқаришини, пахтачиликни, жамоат чорвачилигини ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тормоқларини янада зўр бериб ривожлантиришда республика партия ташкилотларининг вазифаларига муфассал тўхталди. Бу вазифаларни бажариш учун барча зарур моддий-техника воситалари мавжуд. Шу блан ишнинг муваффақияти партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг хўжаликка раҳбарлик қилиш савиясига, кадрларимизнинг ташаббускорлиги ва ишчанликларига, ташкилий ва сиёсий ишларимизнинг мазмунига боғлиқдир. Бизнинг барча кадрларимиз янгиликни сеза билишлари, ҳарқандай илғор, прогрессив тадбирларни актив қўллаб-қувватлашлари, ўзларига топширилган ишни чуқур ўрганишлари лозим. Раҳбарлик лавозимларидаги ходимларнинг ишга юзакичилик блан қарашларига, ташаббус кўрсатмасликларига тоқат қилиб туриш мумкин эмас.

Лекин бизнинг ходимларимиз орасида ҳали ҳам ишга юзаки раҳбарлик қиладиган, экономикани чуқур билмайдиган кишилар оз эмас. Кўпинча колхоз ва совхозларда хўжаликни ривожлантириш юзасидан перспектив планлар тузишда хатоларга йўл қўйилганлиги ҳам шунинг оқибатидир.

Ҳозирги шароитда айниқса партия, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги кадрлар блан ишлашнинг аҳамияти ўсиб кетди. Шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири — қолоқ колхозларни қобилиятли ташкилотчилар блан мустаҳкамлашдан иборат.

Оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш керак. Кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетлари сиёсий агитациянинг қўйилиши ва унинг мазмуни блан кам қизиқмоқдалар. Кўпинча бу иш ҳаётдан ажратилган ҳолда олиб борилмоқда ва шунинг учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, корхона ва колхозларда уюшқоқликни оширишга та'сирли ёрдам бермаётир.

Партия комитетлари ва, уларнинг ходимларининг раҳбарлик услуби ва методларини тубдан қайта қуриш керак, партия органларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятларини кучайтириш лозим. Ана шундагина хўжалик вазифалари соҳасида мустаҳкам ғалабани қўлга киритиш мумкин.

Шубҳа йўқки, — деди ўз сўзининг охирида ўртоқ Ниёзов, — Ўзбекистон партия ташкилоти Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни шараф блан бажаришга барча кучларини сарфлайди.

* * *

Кенгаш юксак савияда, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўтди. Кенгаш қатнашчилари МК ва область партия комитетларидан партия ходимларининг бундай кенгашларини тез-тез ўтказиб туришни сўрадилар. Бу эса партия ташкилотларининг кучларини коммунистик қурилиш соҳасидаги вазифаларни бажаришга яхши уюштириш имкониятини беради.

# *Европа давлатларининг Европада тинчликни ва хавфсизликни та'минлаш юзасидан чақирилган Варшава кенгаши*

ВАРШАВА, 12 май. **(ТАСС махсус мухбири).** Кенгашнинг 11 май кундузги мажлисида Германия Демократик Республикаси делегациясининг раиси бош министр Отто Гротеволь баёнот берганлиги ҳақида хабар қилинган эди. Ғарбий Германияда, деди Отто Гротеволь, америка ва герман милитаристлари жуда кўп найранглар ишлатиб, Бонн бундестагини Париж битимларини қабул қилишга мажбур этаолдилар. Бу эса, Германияни парчалаб юборишни кучайтириш ва Ғарбий Германияни ҳарбий базага ҳамда америка ва герман милитаризмининг плацдармига айлантириш йўлида қўйилган янги қадамдир. Герман милитаристлари бу блан Германиянинг бир қисмини 50 йиллик муддат блан ажнабий интервентларга сотдилар ва Германиянинг бу қисмини америка империализмининг протекторатига айлантирдилар.

Москвада 1954 йил 29 ноябрь — 2 декабрьда бўлиб ўтган кенгашдан кейин Германия ва Европадаги сиёсий тараққиёт бу кенгашнинг аҳволга берган баҳоси ва чиқарган қарорлари тамомила тўғри эканлигини тасдиқлади. Бу давр ичида Совет Иттифоқи, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси ва Албания Халқ Республикаси ҳукуматлари Москва кенгашида қатнашган саккиз давлат ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида маслаҳатлашганларидан кейин, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлашга қаратилган бундан буёнги тадбирларни кўриш зарур эканлиги аён бўлиб қолди.

Бош министр ўртоқ Широкийнинг Москва кенгашида киритган таклифлари асосида уч давлат — Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси ва Германия Демократик Республикаси (ғарбий герман милитаризми, даставвал, ана шу республикаларга таҳдид қилмоқда) ўзларининг сиёсий ва географик жиҳатдан алоҳида мавқиини эгаллаганликларидан келиб чиқадиган масалаларни ўзаро муҳокама қилдилар ва ўзаро дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш чораларини биргаликда кўрдилар.

Париж битимлари кучга кирганидан кейин рўй берган аҳволни характерлаб, Гротеволь Бонн ҳукуматининг, Париж битимлари кучга кирганидан кейин федерал республика суверенитетга эга бўлади ва унинг ўзи ўзининг ички ва ташқи ишларини ҳал этаолади, деб қилган да'волари сохта да'волар эканлигини кўрсатди.

Бонн ҳукуматининг «суверенитети» қуролланиш ва НАТОга қўшилиш «ҳуқуқи»дан иборат. НАТО Американинг дун'ёга ҳоким бўлиш планларини амалга ошириш қуролидир.

Шундай қилиб, Ғарбий Германия бир томонлама тузилган ҳарбий блок блан боғланиб қолди. Бу блокнинг сиёсий ва ҳарбий раҳбарлари дангал айтган сўзлар, унинг сиёсати ва практикаси мазкур блокнинг агрессив интилишларини яққол исбот этади. Америка Қўшма Штатларининг энг агрессив империалистик доиралари «Ғарбий Европа иттифоқи»га бошчилик қилмоқдалар. Ана шу доиралар жаҳонга ҳоким бўлиш да'воларини очиқдан-очиқ э'лон қилмоқдалар ва Ғарбий Германияни маш'ум авантюра гирдобига ташлашга тайёр турибдилар.

Бонн бундестагининг состави Ғарбий Германия халқи ва сайловчиларининг хоҳишига тўғри келмаганлигини ва немис халқи кўпчилигининг хоҳишига хилоф суратда Париж битимлари ратификация қилинганлигини ва шу сабабдан, бу битимларнинг қонуний кучга эга эмаслигини та'кидлаб, Гротеволь бундай деди:

Германия Демократик Республикаси ва барча немис ватанпарварлари Париж битимларини ҳечқачон танимайдилар. Улар герман халқ оммасини Париж битимларига қарши, Германия масаласини тинч йўл блан ҳал этиш учун курашга сафарбар қиладилар, улар Париж битимлари йўқотилганига қадар ва Германия бирлашган, тинчликсевар, демократик давлат бўлиб қолганига қадар курашни ташкил этабередилар.

Германия Демократик Республикасида ишчилар ва деҳқонлар, техниклар ва олимлар чинакам демократик тузумни вужудга келтирдилар ва социализм асосларини қуриш соҳасида анча муваффақиятларга эришдилар ҳамда жуда катта моддий бойлик яратдилар. Бу ҳол Ғарбий Германия монополиячиларини тинчитмаётир. Ғарбий Германия монополиячилари Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларидан ана шу бойликни тортиб олмоқчи ва юнкер ҳамда капиталистларнинг эски ижтимоий тузумини қайтадан тикламоқчи бўладилар.

Совет Иттифоқининг 1955 йилдаёқ бутун Германияда эркин сайлов ўтказиш тўғрисида ва ватанимизни бирлаштириш ҳақида қилган конкрет таклифларини Аденауэр ҳукумати яшириб келмоқда. Бонн ҳукумат коалицияси немис халқини ва жаҳон жамоатчилигини алдашга уриниб, бундестагга резолюция тақдим этди. Бу резолюцияда, Германияни тинч йўл блан қайтадан бирлаштириш федерал республиканинг олий қонуни, деб да'во қилинади. Бундестаг ва бундесрат, шундай резолюциялар блан немис халқи олдида ўзимизни оқлай оламиз, деб ўйлайдилар.

Ғарбий Германияда янги вермахтни вужудга келтириш соҳасида амалий тадбирлар кўрилабошлаганидан кейин, Бонн ҳукумати Ғарбий Германияни қуроллантиришга Европадаги ба'зи мамлакатларнинг розилигини олиш учун, Париж битимлари Европа мамлакатларининг хавфсизлигини та'минлайди, чунки бу битимлар Ғарбий Германиянинг қуролланишини чеклаб қўяди ва Ғарбий Германия армияси томонидан агрессия эҳтимолини йўққа чиқаради, деган гаплар блан немис халқини ва қўшни мамлакатларда яшовчи халқларни чалғитишга уринмоқда. Аммо, ҳақиқатда аҳвол тамомила шу гапларнинг тескарисидир. Париж битимларининг «2-нчи сонли протоколи»нинг 3-нчи моддасига мувофиқ, «Ғарбий Европа иттифоқи»нинг а'зоси бўлган Ғарбий Германия ўз армияларининг сонини доим ошираборишга имкониятига эгадир.

Бонн милитаристлари, ҳозирнинг ўзидаёқ, ана шу битимларга мувофиқ тузиладиган ярим миллионли армияни мамлакатни бундан буён ремилитаризация қилишнинг биринчи этапи деб қарамоқдалар. Улар ҳозир ошкора суратда шундай қилмоқдалар. 12 дивизиядан иборат қилиб тузилмоқчи бўлган армия ҳозирнинг ўзида, я'ни биринчи этапда анча оширилиши керак экан.

Париж битимларининг амалга оширилишига немис халқи томонидан кўрсатилаётган қаршиликни сусайтириш ниятида Аденауэр немис халқи орасида машҳур бўлиб кетган талаблардан, я'ни халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш тўғрисидаги талаблардан фойдаланиш учун кейинги вақтларда зўр бериб найранг ишлатмоқда. Шу блан бирга, Аденауэр ўзини ана шу талабларнинг тарафдори қилиб кўрсатмоқда. Аммо, Совет ҳукумати томонидан таклиф этилган ва Германия Демократик Республикаси ҳукумати томонидан қувватланган системани, я'ни Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишдан Бонн ҳукуматининг бош тортганлиги бу ҳукуматнинг тамомила бошқача йўл тутганлигини исбот қилади.

Европадаги барча мамлакатлар, улардаги ижтимоий тузумнинг қандай бўлишидан қат'и назар, Европада коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномада қатнашаолар эдилар. Бундай шартноманинг тузилиши Европада хавфсизлик бўлишини та'минлаган ва халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатган бўлар эди.

Германия Демократик Республикаси Бонн милитаристларининг халққа қарши қаратилган сиёсатини кўп марта рад этди. 1954 йил июнь ойида Германия Демократик Республикасининг 12 миллион 230 минг граждани сулҳ шартномасини тузишни, оккупациячи қўшинларни олиб чиқиб кетишни ёқлаб овоз берди, ҳарбий битимларга қарши ва оккупациячи қўшинларнинг 50 йиллик муддат блан қолдирилишига қарши овоз берди.

Сўнгра, Отто Гротеволь Ғарбий Германия халқ оммаси ана шу аҳволнинг хавфли эканлигини тушунганлигини ва пассивлик ҳолатидан чиқабошлаганлигини исбот этувчи фактлар келтирди.

Отто Гротеволь сўзини давом эттириб, бундай деди: Австрия мисоли Германия масаласини ҳал этишнинг ҳақиқий йўлини кўрсатиб беради. Совет-Австрия музокараларининг ижобий натижалар берганлигига сабаб шуки, Австрия ҳукумати мустақил миллий сиёсат йўлига ўтди. Австрия ҳечқандай ҳарбий иттифоқларга кирмаслик ва ўз территориясида ҳарбий базалар вужудга келтирилишига йўл қўймаслик мажбуриятини олди. Бунинг натижасида Австрия халқи ўзининг миллий мустақиллигига эга бўлади.

Эндиликда Германия масаласининг ҳал этилиши, даставвал, Ғарбий Германиядаги ватанпарвар кучларнинг чинакам мустақил миллий сиёсатни, Германияни демократик асосда тинч йўл блан қайтадан бирлаштириш сиёсатини, тинч музокаралар олиб бориш ва битимлар тузиш сиёсатини юргизаолишларига боғлиқдир. Бунинг учун немис халқи Париж битимларини йўқотиши зарур ва немислар Германия проблемасининг ҳал этилишига халақит бераётган ҳамма масалалар юзасидан ўзаро бир фикрга келишлари керак.

Аденауэрнинг Германия Демократик Республикаси блан музокаралар олиб боришдан бош тортганлиги фаросатсизликдир. Аммо, Аденауэр абадий яшамайди, Германия ва немислар эса абадий яшайдилар. Немислар бир стол атрофига ўтириб, бир-бирларининг фикрларини англашга муваффақ бўладилар, ҳарбий пактларни йиртиб ташлайдилар, бир-бирларига ёрдам қўлини чўзадилар ва бирлашган, тинчликсевар ҳамда демократик Германияни вужудга келтирадилар.

Гротеволь дедики, Бонн милитаристлари жуда шошиб ҳаракат қилмоқдалар ва қуролланишга киришдилар. Париж битимларининг ратификация қилиниши натижасида рўй берган аҳвол тинчликсевар давлатлардан ўз хавфсизликларини та'минлаш учун ўз кучларини бирлаштиришларини талаб этади.

Шу сабабдан, деди Гротеволь, Германия Демократик Республикаси дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги шартноманинг тузилишини, шунингдек бирлашган қўмондонликнинг вужудга келтирилишини ма'қуллайди. Бу тадбирлар янги агрессия тайёрлаш мақсадида тузилган «Ғарбий Европа иттифоқи»нинг қатнашчилари бўлган давлатларнинг сиёсатидан тамомила фарқ қилади. Бу тадбирлар тенгҳуқуқли ва суверен давлатларнинг тамомила янги ҳамкорлигини кўрсатувчи намунадир. Бу давлатларнинг кузатган мақсади тинчликни та'минлаш ва ўз мамлакатларининг мудофаасини уюштиришдан иборат. Бу тадбирлар Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Варшава шартномаси коллектив хавфсизликнинг Умумевропа системасини вужудга келтириш йўлидаги муҳим қадамдир. Бу шартнома Германия Демократик Республикасининг ва бутун герман халқининг давлат манфаатларига тамомила муносибдир. Эндиликда Германия Демократик Республикасининг хавфсизлиги дун'ёда энг қудратли давлат бўлган Совет Иттифоқи бошчилигида етти давлат томонидан гарантияланади. Тинчлик ва демократия лагери Германия Демократик Республикасининг хавфсизлигига бўладиган ҳарқандай тажовузнинг олдини олади. Германия Демократик Республикаси ҳам ушбу кенгашда қатнашувчи саккиз мамлакатнинг мудофаа қобилияти ишига ўз ҳиссасини қўшиш учун ва Ғарбий Германия милитаризми томонидан агрессиянинг такрорланишига йўл қўймаслик учун ўзининг бутун кучларини сарф қилади. Париж битимларига мувофиқ Ғарбий Германиянинг ремилитаризация қилиниши муносабати блан Варшава шартномаси зарур бўлиб қолди. Шу сабабдан бу шартнома Европа учунгина эмас, балки айни вақтда немис халқининг бундан кейинги ҳаётини та'минлаш учун ҳам зарурдир.

Варшава шартномаси Германиядаги ватанпарвар кучларни мустаҳкамлайди. Бундан мақсад — ватанпарвар кучларнинг ўз ватанини тинч йўсинда қайтадан бирлаштириш йўлидан муваффақиятли суратда олға бораолишларини та'минлашдир. Париж битимлари Ғарбий Германия аҳолисини Германияни тинч ва демократик асосда қайтадан бирлаштириш тўғрисида бир битимга келиш ҳуқуқидан маҳрум этади. Варшава шартномаси Германия Демократик Республикасига Германияни тинч йўл блан қайтадан бирлаштириш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун тўла эркинлик беради. Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг фикрича, буни протоколда алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Биз бу шартномага тамомила қўшиламиз. Шартноманинг кузатган мақсади — Европа халқларининг тинчлиги ва хавфсизлигини та'минлашдан ва шу блан бирга, Европада тинчликни сақлаш манфаатларини кўзлаб, Германияни тинч ва демократик асосда қайтадан бирлаштириш имкониятини вужудга келтиришдан иборат. Германияни тинч ва демократик асосда қайтадан бирлаштириш герман халқининг ўз миллий ҳуқуқидир. Германия Демократик Республикаси ана шу ҳуқуқларни бутун куч блан ҳимоя қилади ва амалга оширади.

* * *

Шундан кейин, Венгрия делегациясининг раиси, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар советининг раиси Андраш Хегедюш баёнот берди. Андраш Хегедюш айтдики, Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси вужудга келган халқаро аҳволга ўртоқ Булганин томонидан берилган баҳога тамомила қўшилади, халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш, тинчликни ва халқларимизнинг хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида Совет ҳукумати томонидан киритилган таклифларни зўр қувонч блан қабул қилади ва табриклайди.

Венгер халқи Совет ҳукуматининг халқаро миқ'ёсдаги жанжалли масалаларни, чунончи: Германия масаласини, қурол-яроғларни камайтириш тўғрисидаги, атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳақидаги масалани музокаралар олиб бориш йўли блан ҳал этиш тўғрисидаги таклифларини зўр шодлик блан кутиб олди ва бу таклифларни қўллаб-қувватламоқда.

Хегедюш яна бундай деди: Тинчлик лагеридаги мамлакатларнинг интилишларига, я'ни халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш йўлидаги интилишларига хилоф суратда, АҚШдаги ҳукмрон доиралар раҳбарлигида бўлган империалистик давлатлар кейинги ойларда ҳарбий тайёргарликни кучайтириб юбордилар ва бу блан тинчликка ҳамда тинчлик лагеридаги мамлакатларнинг хавфсизлигига шу жумладан ватанимизнинг ҳам хавфсизлигига таҳдид қилмоқдалар. Венгер халқи бу аҳволни кўриб, жуда қаттиқ ғазабланмоқда. Империалистик давлатлар зўр бериб қуролланишни давом эттирмоқдалар. АҚШ, Англия ва Франциядаги ҳукмрон доираларнинг кейинги вақтларгача қилган ишлари уларнинг қурол-яроғларни камайтиришни истамаганликларини исбот этади. Улар қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида гапирганларида ҳам, зўр бериб қуролланишни ва атом уруши тайёргарлигини ниқоблаш учунгина шундай гапирдилар.

Сўнгра, Венгрия делегациясининг бошлиғи айтдики, Ғарб давлатлари амалга ошираётган агрессив тадбирлар орасида тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига энг кўп хавф туғдираётган агрессив тадбир герман милитаризмининг қайтадан тикланишидан иборат. Париж битимлари герман милитаризмини қайтадан қуроллантириш йўлидаги сўнгги ғовларни ҳам йўқ қилади, бу битимлар Ғарбий Германияни агрессив Шимолий Атлантик блокига ва бу блокнинг ёрдамчи ташкилоти бўлган «Ғарбий Европа иттифоқи»га тортади.

Австриянинг зўрлик блан босиб олинганлиги венгер халқи учун қандай оғир оқибатлар келтирганлигини венгер халқи яхши билади ва шу сабабдан, венгер халқи қайтадан тикланган герман милитаризмининг планларини жуда зўр э'тибор блан кузатиб бормоқда ва Ғарбий Германиянинг янги аншлюссни амалга ошириш мақсадини кўзда тутган ният ва интилишларига чуқур нафрат блан қарамоқда.

Венгер халқи ўз тарихида неча асрлар мобайнида герман милитаризмининг жабрини бошидан кечирди ва Ғарбий Германиянинг ремилитаризация қилиниши нимага олиб боражагини яхши билади. Герман милитаризмини контроль қилиш ва уни чеклаш тўғрисида Ғарбда айтилаётган гаплар сафсатадан бошқа бир нарса эмаслигини венгер халқи билади. Тарих сабоқлари шуни та'кидлайдики, тасалли бериш ниятида айтилган бундай гаплар амалда герман милитаристларининг босқинчилик интилишларини ниқоблашгагина хизмат қилади ва ана шу интилишларга ёрдам беради. Герман милитаризмининг қайтадан тикланиши венгер халқининг озодлиги ва мустақиллигига хавф туғдираётганлигини венгер халқи яхши билади ва шу сабабдан, бу хавфнинг олдини олиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради.

Хегедюш сўзини давом эттириб, қуйидагиларни айтди: Венгрия ҳукумат делегацияси Венгрия ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларининг, прогрессив интеллигенциясининг, хуллас бутун венгер халқининг якдиллик блан изҳор қилаётган хоҳишига мувофиқ, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги, шунингдек бирлашган ҳарбий қўмондонлик тузиш тўғрисидаги шартномаларнинг олдимизда ётган проектларини тамомила тўғри деб ҳисоблайди, чунки бу проектлар ҳозирги халқаро вазият талабларига тўла жавоб беради. Венгрия ҳукумат делегацияси бу шартномаларни қабул қилади ва имзолайди.

Хегедюш яна айтдики, бу кенгашда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисидаги шартнома муҳокама қилинмоқда. Бу шартнома халқларнинг ўз-ўзларини мудофаа қилиш ҳуқуқига тамомила мос келади ҳамда герман милитаризмининг ва янги агрессиянинг қайтадан тикланишига йўл қўймаслик мақсадида илгари имзоланган шартномаларга тамомила мос келади. Бу шартнома Европада тинчлик ва хавфсизликни сақлашни ўз олдига мақ-

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

